

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY BIRLIK



В
Мурод РАЖАБОВ:
«ХАР БИР РОЛЬ КАТТА
АСАРГА УХШАЙДИ»



**ХАМШИРАЛАР
БАҲСИ** **В**



2
ЗАМОН
ТАЛАБЛАРИ
ДАРАЖАСИДА

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 18 ноябрь, шанба • 46(3680)-сон

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ОШАДИТГАН ДАВР

6-бет

ОБУНА - 2007



— БАРЧА
ПОСТЛАР
ДИҚҚАТИГА!
«ПОСТДА» ГАЗЕТАСИ-
ГА 2007 ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛ-
ЛИГИ УЧУН ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!
ҚАЙТАРАМАН...



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Постда» - 180 (366)
«На посту» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 (1083)
«Щит» - 971 (1084)



ОБУНА - 2007

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Талат Субханович САТТАРОВ.

Талат Субханович Саттаров 1955 йил 10 сентябрда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1982 йилда ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1977 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор-қидирув гуруҳининг кичик инспектори вазифасида бошлаган. 1982–1983 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ инспектори, 1983–1986 йилларда Транспорт ИИБ Тошкент аэропорти ИИБ ЖКБ инспектори, 1990–1997 йилларда Транспорт ИИБ Тошкент аэропорти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлинма бошлиғи, Транспорт ИИБ ЖКБ бўлим бошлиғи, ЖКБ бошлиғи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1997–2001 йилларда Сирдарё шаҳар-туман ИИБ бошлиғи, Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2001–2002 йилларда Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2002–2006 йилларда Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлаган.



ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари — жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, полковник Юсупбой Кенджаевич АВАЗМЕТОВ.

Юсупбой Кенджаевич Авазметов 1957 йил 1 январда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида туғилган. Маълумоти олий, 1984 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБ давлат мулкани талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлинмасида тезкор вакил вазифасида бошлаган. 1987–1994 йилларда Мирзо Улугбек тумани ИИБ давлат мулкани талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлинмаси бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИБ иқтисодийдаги жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, 1994–1999 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ, ҚР ва ТҚКБ катта тезкор вакили, ИИБ ҚР ва ТҚКББ катта тезкор вакили лавозимларида ишлаган. 1999–2002 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, 2002–2006 йилларда ИИБ ЖК ва ТҚКББ бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлаган.



Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Фарҳод Узакович ШОДИЕВ.

Фарҳод Узакович Шодиев 1963 йил 14 июлда Самарқанд шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1989 йилда Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1987 йилда Самарқанд шаҳар Сиёб тумани ИИБда участка милиционери вазифасида бошлаган. 1990–1998 йилларда Сиёб тумани ИИБ участка инспектори, қўриқлаш бўлими марказлаштирилган қўриқлаш пункти навбатчиси, катта инспектори, Сиёб туманига хизмат кўрсатувчи қўриқлаш бўлими катта инспектори, рота командири лавозимларида ишлаган. 1998–2006 йилларда Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги Темирийўл туманига хизмат кўрсатувчи қўриқлаш бўлими бошлиғи, Боғишамол тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган.



ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА



Фарзанд — оила гултоғи. У худди нозик ниҳолга ўхшайди. Ниҳол нечоғли яхши парваришланса, унинг илдизи ҳам шунчалик бақувват бўлади. Баъзан бозорлар, чорраҳалар, умуман одамлар гавжум жойларда ёш болаларнинг қаровсиз юганига кўзимиз тушади. Бундай ҳаёт тарзи умурни охир-оқибат ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлиши мумкин. Қайсибир оиланинг фарзанди тасодифан йўқолиб қолди дейлик, у топилаётган ота-онанинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг. Бугунги кунда Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази шу каби ҳолатларга тушиб қолган ўсмирларни тўғри йўналтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Бундан бир қанча вақт олдин Тошкент шаҳар ИИББ томонидан шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳомийлигида эзгу ишга қўл урилган. Юнусобод туманининг 3-мавзесида жойлашган собиқ 537-сонли мактабгача тарбия муассасаси биноси Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази учун ажратилиб, уни замон талаблари даражасида қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Кунни кеча мазкур бинога кўчиб ўтган марказнинг очирилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди:

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея эътироф этилган 2006 йилда мамлакатимизда ҳақиқатдан ҳам мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Ҳомийлар ёрдамида аҳолига хизмат кўрсатувчи кўплаб иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Мазкур марказ биноси ҳам мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйига тўёна бўлди. Марказда давлат томонидан ёрдам кўрсатилишига муҳтож уч ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, шунингдек, майда ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганлар вақтинчалик сақланади. Уларни ўз оилаларига қайтариш, меҳрибонлик

уйлари ва бошқа махсус ўқув муассасаларига жойлаштириш чоралари кўрилади. Марказга келтирилган вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратувчи омиллар, шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш ҳақида тегишли давлат ва жамоат ташкилотларига таклифлар ва маълумотномалар киритилади. Бунинг учун марказ ходимлари ҳам юксак касб маҳоратига эга бўлишлари лозим. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз И. Каримовнинг ёшларимизнинг бахт-иқболи, келажаги ҳақида «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак» деган сўзларини эслаб ўтмоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, вазирилик раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши номидан ушбу муҳташам бинони таъмирлашга катта ҳисса қўшган барча ҳомийлар, қурувчиларга чексиз миннатдорчилик изҳор этаман.

Шундан сўнг генерал-лейтенант Б. Матлюбов қурилиш ишларида фаол иштирок этган ҳомийлар ҳамда фидойи ички ишлар ходимларига рағбатлантирувчи мукофотлар, фахрий ёрликлар топширди.

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев марказга шаҳар ҳокимлиги номидан «Дамас» автомобиллини топширди.

Таъкидлаш жоизки, қисқа вақт ичида моҳир усталар томонидан қайта таъ-



мирланиб фойдаланишга топширилган марказнинг янги биносида 11 та ётоқхона, замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, спортнинг кўнгина турларига мўлжалланган ёзги ва қишки спорт майдонлари ҳамда чўмилиш ҳавзалари мавжуд. «Капитал банк», «Миконд» заводи ва бошқа бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳам мазкур бинони қайта таъмирлашда яқиндан ёрдам беришди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинога иситиш ва сув қувурларини ўрнатиш ҳовлисига асфальт ётқизишда, барча турдаги плакатлар ва кўргазмалар қуроолларни тайёрлаш, ўқув хоналарини жиҳозлашда ўз ёрдамини аямади. Республика «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан спорт майдончаси ва залига барча турдаги спорт анжомлари ва компьютер жиҳозлари ажратилди. Ҳозирда турли адабиётларга бой бўлган кутубхона, замонавий компьютер техникалари болажонлар хизматида. Бу ерда улар бир ой давомида малакали мураббий ва ўқитувчилардан таълим олишади. Шунингдек, олий тоифали шифокорлар назоратида бўлишади.

Марказда нафақат мамлакатимиз худуди, балки қўшни республикалардан юртимизга адашиб келиб қолган болалар ҳам қабул қилиниб, тегишли ёрдам кўрсатилади.

С. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: марказ биносининг бугунги кўрилиши ва фаолиятдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ТАДБИР

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ мажлислар залида болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш борасида амалга ошириляётган ишларни такомиллаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари, Транспорт ИИБ, республика Бош прокуратураси, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа муассасаларнинг ташкилотларининг масъул ходимлари иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Қўлдошев олиб борди.

Семинар давомида асосий эътибор бугунги кунда ўқишга бормай, жамоат жойларида дайдилик, тиланчилик қилиб юрган, пул топиш мақсадида савдо-сотик билан шуғулланаётган болалар билан профилактик-огоҳлантирув ишларини олиб бориш, вояга етмаганларни гайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлашга қаратилиши лозимлиги ўқтирилди. Шунингдек, меҳрибонлик уйлари, ёпиқ турдаги махсус мактаб-интернатлар, касб-ҳунар коллежларида тарбияланаётган ўқувчиларнинг назорати, бу борадаги муаммолар тўғрисида сўз юритилди. Жумладан, республика ИИБ ҲООББ бошлиғининг ўринбосари, полковник Ш. Ҳикматов ички ишлар идораларида болалар қаровсизлиги ва назоратсизлиги, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириляётган ишларнинг аҳволи, бунда профилактика хизматининг роли, мавжуд муаммолар ҳақида гапириб, шундай деди:

— Жорий йилнинг ўтган даврида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки оиласидан ўзбошимчилик билан кетиб қолган 36124 нафар вояга етмаган ички ишлар идораларига келтирилган. Шулардан 2104 нафари бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналарнинг фарзандларидир. Носоғлом муҳит, нотинч оила бола-ни ҳаётдан бездиради. Оқибатда у ўз билганича яшай бошлайди. Келгусида нафақат профилактика инспекторлари, балки маҳалла фаоллари, мактаблар, ўқув юртлари педагогик жамоалари ҳам ана шундай оилаларга эътиборни кучайтиришса айни муддао бўларди.

Тадбирда сўзга чиққан республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Т. Умаров бугунги кунда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти ва прокуратура органлари томонидан қонунлар ижросининг назорати хусусида тўхтади. Айниқса, болалар қаровсизлиги, назоратсизлиги, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари ва мактаблар доимий алоқада бўлиб, иш юритишлари муҳим эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг сўз олган республика Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи К. Фозилов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудирини Т. Арслонов, республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари С. Ҳасановлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Умиди БОЛЛИЕВА.



МАШГУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Республика Ички ишлар вазири гуруҳида жанговар ва махсус тайёргарлик бўйича дастлабки машғулот бўлиб ўтди. Унда республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ш. Икрамов сўзга чиқиб, янги ўқув йили бошланганлиги муносабати билан машғулотларнинг аҳамияти, амалга ошириладиган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Вазир гуруҳига вазирлик аппарати Бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлимлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари киритилган. Ўқув машғулотлари кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, раҳбар кадрлар захирасини яратиш, ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш борасидаги вазифаларга бағишланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Ички ишлар вазири гуруҳидаги машғулотлар тасдиқланган режага асосан давом эттирилади.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сониде батафсил маълумот берамиз.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Фарғона вилояти ИИБда фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, олий ўқув юрталари ректорлари, ҳокимлик ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими А. Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов вилоятда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик ўртасида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхтади. Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник К. Очилдиев сўзга чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда профилактика инспекторларининг аҳоли билан ҳамкорлигини кучайтириш борасида шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан бажарилиши лозим бўлган тадбирлар, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратди ҳамда милиция таянч пунктлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича

Кува тумани ҳокими А. Азимов, Тошлоқ тумани ҳокими ўринбосари Ў. Усмонова, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Ф. Зоҳидов, вилоят бош имом-хатиби Собир қори Норматовларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Е. Қодиров сўзга чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга баҳо бериб ўтди ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхтади.

Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар идоралари ходимлари билан фаол ҳамкорлик қилаётган Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг фаол маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига республика Ички ишлар вазириликнинг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ ФИДОЙИЛАРИ

ОТА ЎГИТЛАРИ АСҚОТАЯПТИ

Ўттиз йил давомида тергов, жиноят қидирув хизматларида фаолият кўрсатиб, бор билим ва тажрибасини аямаган истеъфодаги подполковник Н. Қўзиёвни қашқадрлик ички ишлар ходимлари яхши танишади. Уларнинг кўпчилиги бу инсонни ўзига ўстоз деб билади. Бугунги кунда кексаллик гаптини сураётган отахоннинг ишини ўғли, лейтенант Қобилжон Қўзиёв давом эттирмоқда.

У Косон тумани ИИБ ХООБ 64-милиция таянч пункти профилактика инспектори. «Мўғжагул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хизматни ўташ даврида отасининг ўғитларига амал қилиб, кам бўлмапти. Маҳаллада тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Профилактик ишлар яхши йўлга қўйилгани, аҳоли ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилаётгани ижобий самара бермоқда. Бинобарин, йилнинг ўтган даврида ҳудудда бирорта ҳам жиноят рўйхатга олингани йўқ. Бу, албатта, кенг жамоатчилик билан профилактика инспектори ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганидан далолат беради.

— Масканимиз тинч,

осойишта. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бобомурод Дўстмуродов, маҳалла посбони Холмурод Худойкулов ва фаоллар билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатаётганлигимиз туфайли жиноятчиликка барҳам берилиб, ҳуқуқбузарликлар тобора камайиб боришига эришиляпти. Ҳудудимизда битта болалар боғчаси, истироҳат боғи ва отахонлар чойхонаси мавжуд бўлиб, бу гавжум масканлар эътибордан четда қолмаяпти. Ҳамма жойда бўлгани каби, маҳалламизда ҳам спиртли ичимликка ружу қўйган фуқаролар учраб турибди. Улар тўғри йўлга қайтишлари учун вилоят наркология диспансерига йўллаяпмиз. Ўтган ойлар давомида икки нафар муқаддам судланган шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди. Қонунбузарлардан 4 дона ўқ-дори олинди. Маҳалла аҳли осойишта турмуш кечиршига масъул эканлигимизни бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаяпмиз. Бу борада раҳбарлар кўрсатмаси ва ички ишлар соҳасида бой тажриба

тўплаган отамнинг маслаҳатлари қўл келаяпти, — дейди лейтенант Қ. Қўзиёв.

«Мўғжагул» маҳалласи аҳли профилактика инспекторининг кўрсатмаларига оғишмай амал қилишади. Яқинда ўз ихтиёри билан ички ишлар идорасига ўқ-дори келтириб топширган фуқаро А. Ортиқов бунга тасдиқлади:

— Профилактика инспектори суҳбатлар чоғида ноқонуний хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунча бериб боради. Яқинда бозор атрофидан 4 дона ўқ топиб олдим. Уларни дарҳол инспекторнинг қўлига топширдим. Чунки бу «матоҳ» ёмон ниятли одамлар қўлига тушиб қолгудек бўлса, ноҳушлик келтириб чиқариши мумкин эди.

Меҳнат қилган элда азиз, деган нақл бежиз айтилмаган. Ота касбини давом эттириб, муносиб ютуқларни қўлга кири-таётган Қ. Қўзиёв мўғжагуликлар ҳурматиға сазовор бўлаяпти.

Зиёдулла ХАЛИЛОВ.

ТУНИНГИЗ ОСОЙИШТА БЎЛСИН

Маълумки, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган асосий вазифалардандир. Осойишталик посбонларининг бу борадаги фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Андижон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Улуғбек Маннӣёзовга мувожабат этдик. Бошлиқ соатиға кўз ташлаб:

— Ҳозир тунги нарядга жалб этиладиганлар учун йўриқнома йиғини ўтказилади. Истасангиз уларнинг хизматни қандай ўташига гувоҳ бўлишингиз мумкин, — деди.

Соат 22.00. Ички ишлар бўлими биноси олдидаги майдонда профилактика инспекторлари, ППХ нарядлари, ИПХ ва бошқа хизматлар ходимлари саф тортиб туришарди. Шаҳар ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари, подполковник Хайрулла Хўжамбердиев сафланганларни вилоят марказида ҳозирги вақтда мавжуд криминоген вазият билан таништирди, қидирувдагиларнинг белгиларини ўқиб эшиттирди, хизмат ўташнинг ўзига хос жиҳатларига тўхтади. Сергак, ҳушёр бўлиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни безътибор қолдирмаслик ҳақида кўрсатма берди.

Йўриқнома йиғинидан сўнг биз шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Азизбек Мақсудов билан Бўстон мавзесида жойлашган милиция таянч пунктига йўл олдик. Келсак, профилактика инспекторининг хонасида 1-милиция бўлинимаси бошлиғи, майор Содиқжон Нишоннов телефонда гаплашаётган экан. У гапни тугатиб, бизга изоҳ берди:

— Ўтган кеча мавзе ҳудудидаги мактабларнинг биридан 900 минг сўмлик компьютер жиҳозлари ўғирланган эди. Ҳозир ушбу жиноят юзасидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказаяпмиз. Калаванинг учи топилди.

Профилактика катта инспектори, катта лейтенант Анвар Сўпиев маҳалла посбонлари билан ҳудудни айланишга тайёр экан. Изқуварларга машаққатли хизматларида омад тилаб, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ сари йўлга чиқдик. Йўлда А. Мақсудов сўнгги пайтларда шаҳарда иккита янги милиция таянч пункти қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини, яна иккитаси капитал таъмирдан чиқарилиб, зарур мебеллар ва компьютер техникаси билан таъминланганлигини айтди.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ штаби бошлиғи, катта лейтенант Фарҳодбек Рашидов биз

билан суҳбатда қатор жиноятлар ушбу хизмат ходимлари иштирокида очилганлигини айтиб қолди. Шахсий таркиб тунги хизматни қандай ўтаётганлигини ўз кўзим билан кўрмоқчи эканлигимни билгач, 1-отряд командири ўринбосарлари, катта лейтенантлар Файрат Мелибоев ва Баҳодир Рустамов мени ўзларига ҳамроҳ қилиб олишди.

Вақт алламаҳал бўлишига қарамай кўчада машина кўп, дўконлар ишлаб турибди. Вилоят ҳокимияти биноси олдидаги майдонда кичик сержант Мирфозил Рўзиёв бошчилигидаги автопатруль наряди хизмат ўтаётган экан. Наряд раҳбари ҳудудда ҳеч қандай ҳодиса рўй бермаганлиги, жамоат тартиби бузилмаганлиги тўғрисида ахборот берди. Уни суҳбатда тортдим.

— Ўзим Избоскан туманиликман. Ички ишлар идораларида 2002 йилдан буён хизмат қилаяпман. Ўз ишимни жуда севаман. Келаси йили республика ИИБ Академиясига кирмоқчиман, — дейди Мирфозил.

— Мирфозил қобилиятли йигит, — дея қўл остидаги ходими ҳақида ўз фикрини билдирди Ф. Мелибоев. — Уни гуруҳ сардори лавозимига тайёрлаяпмиз.

Эски шаҳардаги деҳқон бозори олдида кичик сержант Қобилжон Раимбердиев ва сафдор Алишер Аҳмаджоновга дуч келдик. Улар бозордан ташқари Фитрат ва Олтинқўл кўчалари, вилоят ўлкашунослик музейи ҳудудида осойишталикни таъминлашга жавоб беришар экан.

— Яқинда ана шу наряд аъзо-

лари бир кишини шубҳаланиб тўхтатишди, — дея ҳикоя қилди Баҳодир Рустамов. — Текшириб кўришганида унинг ёнидан георин моддаси топилди.

Андижон Давлат Тиббиёт институти клиникалари ва Олимпия захиралари спорт коллежи томондан шаҳарга кирверишда ИПХ ва ППХ ходимларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлдик. Улар гиёҳвандлик моддалари ва қурол олиб кирилишига йўл қўймаслик мақсадида автотранспортларни текширишар эди. Ходимлар йўриқномага мувофиқ тўғри ва аниқ ҳаракат қилишарди. ИПХ катта инспектори, кичик сержант Мансурбек Фуломов ҳайдовчиларнинг ҳужжатини кўздан кечирар, ППХ отряди ходими, сафдор Муқомжон Қурбоннов эса унинг хавфсизлигини таъминларди.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ га қайтаётганимизда тун яримдан оққанди. Кўчада автотранспорт қатнови сийраклашиб қолган. Шаҳар аҳли ширин уйкуга чўмган. Фақат осойишталик посбонлари бедор. Улар «Тунингиз хайрли бўлсин!» дея ҳамшаҳарлари оромини қўриқлашарди.

Борис КЛЕЙМАН.



МАЪРИФАТ ДАРСИ

"Биз инқирозга юз тутмоқдамиз, исталган кўрсаткичлар бўйича, ҳозир ҳам фожиани қайтариб қолиш имкони ўз қўлимизда. Бироқ, дастлабки натижалар сохта хотиржамликни юзага келтирса, ҳақиқий фалокат юз беради".

ЮНЕЙДС директори П.Пиотнинг Торонто шаҳрида (Канада) 2006 йил 13-18 августда бўлиб ўтган ОИТСга қарши 16-халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан.

ОИВ/ОИТС (одамнинг иммун танқислик вируси/ортирилган иммунитет танқислиги синдроми) эпидемияси инсониятни чорак асрдан кўпроқ ташвишга солиб келаётган ва ҳозирги кунга келиб ҳам ўз ечимини топа олмаётган муаммолардан биридир. Ушбу муаммо билан шуғулланаётган кўп тажрибага эга мутахассислар бу касалликка қарши курашда даволашдан кўра профилактик тадбирлар ўтказилиши кўпроқ самара беришини эътироф этмоқдалар.

Маълумки, 1 декабрь — Умумжаҳон ОИВ/ОИТСга қарши кураш кунини деб эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган қарорга кўра

2005-2006 йилларда ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар "ОИТСни тўхтатиш. Мажбуриятларни бажаринг" шиори остида ўтказилапти.

Шу кунга касаллик келтириб чиқарган аянчли ҳолатлар оқибати, юзага келадиган ижтимоий, маънавий тушкунлик ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали огоҳлантирилиб, унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида кенг ташвиқот-тарғибот ўтказилади. Бироқ тадбирларнинг қанчалик кенг қамровли бўлишига қарамай, касалланганлар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича 75,3 миллион кишига ОИВ/ОИТС юққанлиги қайд этиляпти. Улардан 25 миллиондан зиёд киши, шу жумладан, 2005 йилнинг ўзиде 3,1 миллион киши вафот этди. Ҳар кун 15000 киши бу касални юқтиради. Йилга бу мудҳиш касалликка йўлиққанлар сони беш миллиондан ошяпти.

Йигирманчи асрнинг охирида пайдо бўлган ва саломатликка, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳамда башариёт хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган ОИВ/ОИТС хавфига Ўзбекистон ҳам дуч келди.

Ўзбекистонда 1999 йилгача ОИВ инфекцияси асосан катта ёшли аҳоли орасида рўйхатга олинган ва унинг гиёҳвандлик билан барқарор алоқаси куза-

1 декабрь — Умумжаҳон ОИТСга қарши кураш кунини

тилмаган. Унинг ўсишига шу даврда ҳимоя воситасисиз жинсий алоқа асосий сабаб бўлиб, аниқланган барча ҳолатларнинг 50 фоиздан ортигини ташкил этади.

2000 йилдан инъекцион наркотикларни истеъмол қилувчилар касаллигининг асосий қурбонига айланишди.

ОИВ/ОИТС тарқалишига асосан инъекцион наркотиклар истеъмолчилари, фохишабозлик билан шуғулланувчилар, эркаклар билан жинсий алоқада бўлувчи эркаклар сабаб бўлган.

Сўнгги бир неча йил ичида инфекциянинг онанан болага ўтиши ҳоллари ортиб бораётгани кузатишмоқда. ОИВ инфекциясини юқтирган ҳомилдорлар сони ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши курашиш учун муайян ишлар амалга ошириляпти. 1999 йилда

Ўзбекистон Республикасининг "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун касалланган шахсларни камситишдан ҳимоя қилиш тўғрисида бўлиб, бу шахслар таълимда, ижтимоий ҳимояда ва ишга қаратилган ишларни шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида текин хизматдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон ҳукумати 2003-2006 йилларга мўлжалланган ОИВ/ОИТС эпидемияси ёйилишига қарши ҳаракат стратегиясини қабул қилди. Унда устувор вазифалар белгиланиб, марказий ҳокимият органларининг биргалликдаги ҳаракатини ташкил қилишдаги роли ва вазифалари аниқлаб берилди. Дастурга жалб этилган идора, ташкилот, мақамалар томонидан белгиланган вазифалар бажариб келинмоқда. Ушбу йилда янги стратегик дастурни ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Ўзбекистон бугунги кунда ОИВ/ОИТС тўғрисида кенг ахборотга, унга қарши курашда ночор гуруҳларни қўллаб-қувватлаш учун махсус ташаббусларни ўз ичига олувчи ўқитиш ва маълумот тарқатиш стратегиясига эга. Ушбу комплекс стратегия ҳудудий 15 ОИТС марказидан иборат давлат умумий тармоғи орқали амалга оширилади. Унга яқин ноҳукумат халқаро ташкилотлар ночор гуруҳларни қўллаб-қувватлашни таъминлашда давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Юқори даражада хавфли гуруҳлар орасида профилактика чораларини амалга ошириш учун 200 дан зиёд ишонч пунктлари очилган.

Ҳозирги пайтда бир қатор кўп томонлама ва икки томонлама халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш борасидаги ишларни тақомиллаштиришда кўмаклашмоқда.

Ўзбекистонда ОИВ профилактика чораларини амалга оширишда, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳитни яхшилашда ҳукумат билан фуқаролик жамиятини рағбатлантириш, 2010 йилга бориб ОИВ билан боғлиқ ҳолда, олдини олиш, даволаш ва парвариш режалари ишлаб чиқилиб ана шу асосда зарур тадбирлар амалга ошириляпти.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,
полковник.

СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ САБОҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши бир томондан инсон ҳаётининг нақадар қадри эканлиги эътирофи бўлса, иккинчи томондан ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг маънавий давоми бўлди. Ўлим жазоси давлат томонидан, қонунга мувофиқ, суд ҳукми билан инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш демакдир. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур жазонинг келиб чиқиши сабабларини одамларнинг ёки оилаларнинг бир-биридан қасос олиш одатидан излаш лозим. Дастлабки даврларда одамлар ўртасида қасос олиш одати пайдо бўлиб, кейинчалик оила институтининг пайдо бўлиши ушбу одатнинг оилага ўтишига олиб келди. Лекин қасос олиш одати оилада ҳам кўп сақланиб қолмади. Чунки давлат пайдо бўлиб, ўлим жазосини қўллаш фақат давлатнинг ваколатига айланди.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА:

ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

Тарихга мурожаат қилсак, собиқ шўро ҳукумати-нинг ўлим жазосига муносабати бир хил бўлмаганини кўрамиз. Бунда бекор қилинган ўлим жазосини қайта тиклаш ёки Жиноят кодексининг ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган моддалари сонини ошириш сиёсати олиб борилганига гувоҳ бўламиз. Мазкур сиёсат кўп йиллар республикамиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб келди.

Афсуски, фактлар яқин ўтмишда ҳам дастлабки тергов ва судда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилганидан дарак беради. 1990 йилларда "Знамя юности" газетаси Беларуссияда Владимир Тойсев деган шахснинг жиноят иши ҳақида хабарни босиб чиқарган. Тойсев ўз хотинини ўлдирганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган. Унинг бир неча бор берган шикоятлари рад қилинган ва у қатлни кутиб, ўлим камерасида 18 ойни ўтказган. Сўнгра авф этилиб, ўлим жазоси 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган. Жазонинг 14 йилу 8 ойи ўтгач, иш юқори инстанцияда қайта кўрилган ва маҳкум оқланган. Дастлабки терговда эса унга ва унинг 15 ёшли укасига нисбатан ғайриқонуний усуллар қўлланилганлиги аниқланган. Мақолада ёзилишича, судланувчига нисбатан ҳукм чиққандан сўнг, терговчилар ҳақиқий қотилни аниқлашган бўлсалар-да, лекин ўз айбларини яшириш учун бу ҳолатни ошкор қилишмаган.

АҚШда 1973 йилдан бошлаб ҳозирга қадар ўлим жазосига ҳукм қилинган 113 та маҳкум кейинчалик айби исботланмаганлиги сабабли оқланган. Уларнинг кўпчилиги йиллар давомида ўлим камерасида сақланган ва қатл қилиниши арафасида бўлган. Бундай ноқонуний ҳукм чиқарилишига полиция ва прокуратура томонидан ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир этилиши, суд томонидан асоссиз гувоҳлик, далил ва айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзларнинг қабул қилиниши, адвокатларнинг малакасизлиги сабаб бўлган.

Шундай қилиб, ўлим жазосига ҳукм қилишда суднинг хатоси судланувчи учун ҳам, жамият учун ҳам тузатиб бўлмас оқибатларни келтириб чиқаради. Суд хатосини эса жазо ижро қилингунга қадар тузатиш мумкин. Афсуски, инсоннинг табиати шундайки, ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузни дарҳол эмас, балки ушбу муаммоларга бевосита дуч келиб, тажовуз унинг шахсан ўзига қаратилсагина англай бошлайди.

Ўлим жазосини жиний жазолар тизимидан чиқариб

шарти билан умрбод қамоқ жазосини белгилаш керак. Шунда ҳам маҳкум томонидан тайинланган жазонинг 25 йилини ёки ундан ортигини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан сўнггина авф этиш мумкинлиги тўғрисидаги норма қонунда ўз аксини топиши лозим;

— *учинчидан*, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган 97-моддаси 2-қисми ва 155-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятлар учунгина умрбод қамоқ жазосини назарда тутиш лозим, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг муқаддам санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган, кейинчалик эса мазкур жазо чиқарилган жиноятлар бўйича ҳозирда амалда бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси миқдорининг ўзи етарли;

— *тўртинчидан*, умрбод қамоқ жазосини белгилашда амалдаги жиноят қонунчилигида аёллар, вояга етмаганлар, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан назарда тутилган энгилликлар сақланиб қолиши керак.

Одидлик ҳаётимизнинг асосий тамойилига айланиб бораётган бир вақтда халқимиз ўлим жазоси эмас, балки адолатли жазо тарафдоридир деб тўла ишонч билан айта оламиз. Фикримизча, жиноятчига огир ёки энгил эмас, балки адолатли жазо берилиши керак. Шу сабабли Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони ватанамизнинг демократик қадриятларга содиқлиги намунаси сифатида қабул қилинди, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга ошириляётган ишларда собитқадам эканлигимизни жаҳон жамоатчилигига яна бир қарар кўрсатиб қўйди.

С. НАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

ОИТС — АЖАЛ ЭЛЧИСИ

Дунё бўйича 75,3 миллион кишига ОИВ/ОИТС юққанлиги қайд этиляпти. Улардан 25 миллиондан зиёд киши, шу жумладан, 2005 йилнинг ўзиде 3,1 миллион киши вафот этди. Ҳар кун 15000 киши бу касални юқтиради. Йилга бу мудҳиш касалликка йўлиққанлар сони беш миллиондан ошяпти.



НУҚТАИ НАЗАР

ЗАМОНАВИЙ

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ: у қандай бўлиши керак?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ хусусий мулкка, мустақил қарашга эга бўлган эркин инсон шаклланди. Иқтисодийни ривожлантириш давлат манфаатларини шахс манфаатлари билан уйғунлаштириш асосига қурилди. Давлатимиз сиёсати инсон фаровонлиги ва эркинлигига қаратилди. Лекин ўтган ўн беш йиллик юксалишлар оsonликча кўлга киритилгани йўқ. Раҳбарликдаги эскича услублардан воз кечиш, бозор иқтисодийти машаққатларини енгиш, кишилар дунёқарашини ўзгартириш, миллий кадриятларни тиклаш, қонун устуворлигини таъминлаш йўлида асрларга татигулик ишлар бажарилди.

Шу билан бирга, мустақиллигимизнинг илк даврида турли давлатларнинг юртимизга кўз тикиши, терроризм ва экстремизм хуружлари, ривожланишимизни издан чиқаришга бўлган уринишларни енгиш учун ҳамюртларимиз фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини намоен қилдилар.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо бўлган, хусусий мулкчилик иқтисодийнинг асосига айланаётган айна даврда ички ишлар ходимининг қиёфаси қандай бўлиши лозим? Албатта, бу саволга атрофлича жавоб бериш мушкул. Чунки барча соҳалар каби ички ишлар тизими ҳам чуқур ислохотлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Ҳали бу борада ечимини кутаятган муаммолар бор.

Аввало, ички ишлар ходимининг энг асосий бурч ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилиш талабларидан келиб чиқшига тўхталиш жоиз. Асосий Қомусимизнинг 22-моддаси қуйидагича ифодаланган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини хуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафо-

латлайди». Шунингдек, Конституциямизнинг 43-моддасида «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган хуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб белгилаб қўйилган кафолатларни амалга оширишда суд, прокуратура идоралари билан бир қаторда ички ишлар ходимлари ҳам масъулдилар. Демак, ички ишлар ходими ҳар бир фуқаронинг хуқуқ ва эркинлигини таъминлашни ўзининг бош мақсади деб билмоғи лозим. Ўз ўзидан шундай савол туғилади: ҳозирги даврда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига нималар тажовуз қилмоқда? Биринчи галда, уюшган жиноятчилик, давлат мулкни талон-тарож қилиш, безорилик, ўғрилик, коррупция, террорчилик ва экстремистик ташкилотлар хавфини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Шунингдек, фуқаролар билан бўлган муносабатда адолат тамойилларига амал қилмасликни ҳам инсон эркинлигини поймол қилиш дейиш мумкин.

Ички ишлар ходими, авваламбор, Конституция ва қонунларни яхши билиши, уларга риоя этмаётганларга нисбатан мурасиз бўлиши даркор. Чунки қонунларни билмаслик ёки уларга амал қилмаслик жиноятчиликнинг янада ортишига сабаб бўлади. Ҳар бир ходим қонунларни ўзлаштиришдан ташқари, кенг омма ўртасида тарғиб қилиши ҳам керак.

Айни дамда ички ишлар ходимлари миллий истиқлол мафқурасидан озиқланиши, маънавий-маърифий кадриятларимизни чуқур ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Зеро,

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганларидек: «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсонийликни, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

Кўриниб турибдики, фақат маърифатли жамиятдагина эркин фикрлаш, демократия учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Маърифат туфайли фуқароларнинг сиёсий ва хуқуқий маданияти юксалади. Кишилардаги мутелик, боқимандалик руҳияти барҳам топиб, яратувчилик, меҳнат ва ҳаётдаги юмушларга ижодий муносабатда бўлиш хусусиятлари ривожланади. Булар таъсирида бурч, ватанпарварлик ва фидойилик каби фазилатлар юксалади. Фақат маърифатли жамиятдагина миллий туйғу, она-Ватанга муҳаббат, садоқат ҳисси мутлақлашиб боради. Ўзгаришлар мамлакатни фаровон, обод ва маъмур бўлишига замин яратади.

Албатта, маҳаллаларда турли қарашли инсонлар яшайди. Ички ишлар ходимининг иш унумдорлиги кўп жиҳатдан фуқаро билан муомала қилиш одобининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Ички ишлар идоралари вакилининг инсонлар билан муомаласи ва муносабатларининг асосий мезони барчага баробарлик, фақат адолат тамойилларига амал қилиш

билан ўлчанади. Шу билан бирга, ички ишлар ходими доимий равишда ўзининг касбий маҳоратини ошириб бориши зарур. Чунки жиноятчилик, гиёҳвандлик, терроризм ва экстремизм йил сайин ўз кўринишини ўзгартириб, усулларини тақомиллаштириб бормоқда. Кеча яқка ҳолда босқинчилик билан шугулланган террорчи эртага халқро миқёсда бирлашишга уринади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, ички ишлар тизимидаги энг масъулиятли вазифа профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган. Уларнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати, фуқароларга бўлган муносабати бутун ички ишлар тизимига нисбатан халқнинг баҳоси нечоғлик бўлиши-

«Фақатгина чинакам маърифатли одам инсонийликни, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

ни белгилаб беради. Қолаверса, хизмат кийимини кийган ҳар бир ходим қайсидир даражада давлатнинг расмий вакилидир. Шунинг учун ҳам профилактика инспекторининг оилада, кўча-қўйда, хизмат даврида ўзини тутиши, давлат ва юрт манфаатини шахсий манфаатидан юқори қўя олиш фазилати хизмат талабларининг муҳим шартларидир. Халқчиллик асосидаги фаоли-

ят нафақат профилактика инспекторига, балки бутун бир ички ишлар тизимига обрў келтиради. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ички ишлар ходими фаолиятининг жамиятга таъсири фақат жиноятчиликка қарши кураш билан чегараланмаслиги лозим. Фидойи ходим аввало, жиноятчиликнинг келиб чиқмаслик чоратадбирларини кўради. Чипқон ўз вақтида йўқотилмаса, ярага айланиб кетади, деб бежизга айтилмаган. Жиноятчилик ҳам шунга ўхшайди. Ўзганинг мулкига кўз олайтирган ўсмир ҳеч қандай қаршиликка дуч келмаса, олғир ўғрига айланиб кетмаслигига ким кафолат бера олади?

Жиноятчиликнинг олдини олиш, яъни профилактик ишларнинг энг таъсирли услуби жиноятчиликнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот ишларини олиб боришдир. Бунда ишонтириш, уқтириш, тунунтириш ишлари гоёвий-тарбиявий, ахлоқий мавзуларда мулоқотлар ва учрашувлар уюштириш воситасида олиб борилади. Бунинг учун маҳалла фаоллари ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлиги йўлга қўйилиши лозим. Акс ҳолда, ўзаро мувофиқлашмаган ҳар қандай фаолият бирон-бир натижа бермаслиги мумкин. Айниқса мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари билан тез-тез мулоқотлар ўтказиб туриш, улар орасида баъзан учраб турадиган тарбияси оғир ўсмирларни тарбиялашга кўмаклашиш энг долзарб вазифалардан биридир.

Умуман олганда, ҳозирги даврда ички ишлар ходимларининг мамлакат тинчлиги, мустақилликни мустақамлаш йўлидаги сермашаққат фаолияти фидойиликни, юрт манфаатини устувор қўйиш, мамлакат келажагини яратиш йўлида ҳалол хизмат қилишни тақозо этади.

Авазбек САТТАРОВ,
Тошкент вилояти
ИИБ ҚООБ бошлиғи,
полковник.

Одатда экспертиза-криминалистика хизмати ходимлари фаолиятида жумбоқли воқеалар тез-тез учрайди.

— Хизматда хато қилишимиз мумкин эмас, — деди биз билан суҳбатда Андижон вилояти ИИБ экспертиза-криминалистика бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Сергей Нежурин. — Чунки бўлимимиз ходимлари томонидан аниқланган ҳар қандай из, белги, бўёқ ёки оддий бир соч толаси жиноятнинг очилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Палапартишлик, шошма-шошарлик, лоқайдлик билан бажарилган ишнинг яқуни самарасиз бўлади.

Дарҳақиқат, Андижон вилояти ИИБ экспертиза-криминалистика бўлими ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари, воқеа жойидан олинган далилий ашёларни пухта ўрганишлари натижасида кўплаб жиноятлар «иссиғи»да очилмоқда. Бундай кўрсаткичларга эришишда подполковник Сергей Нежуриннинг хизмати каттадир. У кўп йиллардан

КАСБИДАН БАХТ ТОПДИ

буён ички ишлар идораларида самарали меҳнат қилиб келаяпти.

— Менга илк бор устозлик қилган инсон Урал ака Гайнутдинов, — деб хотирлайди С. Нежурин, — у кишининг бой тажрибаси касб сир-синаотларини мукамал эгаллашимда муҳим омил бўлди. «Бизнинг ишимизда асосий эътибор далил-ашёларни диққат ва синчковлик билан ўрганишдир, — дея кўп бор такрорларди устозимиз. — Экспертиза ходими гўё бир мерган, хато қилишга асло ҳаққи йўқ».

Устози, ҳозирда истеъфодаги полковник У. Гайнутдиновнинг иш услуби, касб маҳоратини тўла ўрганиб, ўзлаштирган С. Нежурин бугунги кунда ўзи кўплаб ходимларнинг севимли устози. Уларга ҳар томонлама ёрдам, йўл-йўриқ кўрсатиш билан бирга бўлимдаги мавжуд тех-

ника асбоб-ускуналарини ишлата билиш бўйича етакчи мутахассис ҳам ҳисобланади.

Сергей экспертиза-криминалистика фанини чуқур ўзлаштириш мақсадида Россия Федерациясининг Волгоград шаҳридаги Олий терговчилар тайёрлаш мактабини, сўнгра Тошкентдаги ИИБ Олий Мактабини сиртдан тамомлади. У 1994 йилдан буён вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Бўлимдаги майорлар Д. Қодиров, Б. Раҳимов, С. Осипова, лейтенантлар А. Платонов, К. Канцеров сингари тажрибали ходимлар унинг шоғирлари ҳисобланишади.

— Инсон ўз касбини ардоқласа, машаққатларни сабр-бардош билан енгса,



ҳамкасблари, қолаверса, жамоаси олдида катта ҳурмат ва обрў-эътибор топади, — дейди у.

Подполковник Сергей Нежурин хизматда ҳушёр ва сергак ходим бўлса, оилада меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Елена Валерьевна билан бир ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллик байрами арафасида Сергей Нежурин мамлакатимизда хуқуқ-тартиботни


мустақамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Президентимиз Фармонида биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Халқимизда, меҳнат қилган элда азиз, деган ажойиб ҳикмат бор. С. Нежуринга берилган ушбу мукофот унинг эл-юрт осойишталиги, фуқароларнинг осуда, тинч ҳаёт кечиришларини таъминлаш йўлида олиб бораётган хизматларига муносиб баҳодир.

Азизхон БУЗРУКОВ.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

О'З УЙИНИ О'ЗИНГ YONG'INDAN, KULTATDAN ASRA



лари туфайли фуқароларимиз ўзларига сабоқ олиб, ёнгин келтириб чиқариши мумкин бўлган нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада ёнгинлар камайиши, энг асосийси, юқорида айтиб ўтганимиздек, инсонлар ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолишга эришилмоқда.

Соҳа ходимлари томонидан ёнгин келиб чиқишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш ва содир бўлганларини зудлик билан бартараф этиш чоралари кўриломоқда. Улар ҳатто тунги вақтларда халқ

риш ва ёнгинларнинг олдини олиш борасида яхши натижалар кўрсатган шаҳар ва туман ёнгин хавфсизлиги бошқарма, бўлинма ҳамда қисмлари”, “Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз корхоналарида юқори даражада хавфсизликни таъминлаган ўта муҳим ва тонфаланган масканлар”, “Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда намунали бўлган халқ хўжалиги маскани”, “Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда намунали бўлган маҳалла, гузар ёки мавзе” йўналишларида танловлар ўтказилди. Ғолибларга республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармасининг пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари берилди.

Аҳрор балоғат ёшига етиб, мўйлаби сабза ургач, гўзал қизларнинг шайдосига айланди. Институтда ўқиётганида шу нарсага амин бўлдики, мавқеи, пули бўлмаса бу соҳибжамоллар тушига ҳам кирмайди. Уларнинг назарига тушиш учун яхши ўқиди, спорт билан шуғулланди, йигитларнинг «гули» бўлишга жон-жаҳди билан интилди. Самад акаси билан машқ залида танишди. Тупроғи бир жойдан олинган эканми, жуда тез тил топишиши.

— Оч юриш талабалик ало-

мати. Лекин сен бундай қилма! Спорт кўп куч талаб қилади, — дея Самад акаси оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, аввал унча-мунча пул берадиган, кейин тез-тез уйда, дала ҳовлисида ўтадиган йигитларга олиб борадиган бўлди.

Э х т и м о л

ОМОНАТ БАХТ

Аҳрорнинг ўрнида бошқа одам бўлганида қўли очиқ, сахий ҳомийси, нима билан шуғулланишини билгач, ундан қутулиш чораларини излармиди? Лекин Аҳрор аксинча, қиморбозлар даврасига кириш, кўп пул ютиш ҳақида ўйлади. Самад ака ўзи билганича унга ўйиннинг сир-асорларини ўргатди. Институтнинг охириги курсларида дабдаба, пулдорликда Аҳрорнинг олдига тушадигани йўқ эди. Қанчалаб гўзалларни тузоғига илинтириб, сўнг кераксиз буюмдек ташлаб кетди. Бироқ Мали-

кани бутун вужуди билан севиб қолди. Уни деб саёқ юришларини жиловлаб, фиғон чекишга мажбур бўлди. Минг ҳасратда қизни аранг кўндирганда эса, бир шумликни сездими, отаси оёқ тираб туриб олди. Ахийри, ошиққа раҳми келган Самад акаси ўртага бир обрўли одамни қўйиб, қизнинг отасини кўндирди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Аҳрорга ҳавас қилмаган, келинга суқланиб боқмаган эркак топилмади, ҳисоб.

Илгари онда-сонда, тўй-ҳашамларда кўришиб турадиган жўраларининг энди тез-тез қадам ранжида қилиши Аҳрорнинг гашини келтириб, рашкини кўзғатарди. Кўнглига «чиройли хотинимни кўриш, йўлдан уриш учун келишмаяптимики?» деган

гулгула тушди. Бу кейинчалик бўлар-бўлмас нарсаларда ҳам акс эта бошлади. У хотинини асоссиз рашк қиладиган, соясидан ҳам қизғанадиган бўлди. Наинки ошналари, балки шунча яхшиликлари билан уни бўғзигача қарздор қилиб қўйган Самад акаси билан ҳам орани очиқ қил-



ўғирган». У ютқаз, ютқаз, ахийри хотинини тиккан... Оҳ, бу қандай даҳшат?! У бир оз бошини чангаллаганча туриб қолди. Сўнгра югуриб ошхонага кирди. Катта ошпичоқни олиб, қўйнига яширди. У ҳозироқ бориб ҳаммасига чек қўяди. Маликага кимлигини кўрсатади. Уни ифлос, газандалар қўлига топшириб қўймайди. Аҳрор пичоқни қўлтирига маҳкам қисганча, кўчага отилди. Йигирма қадам юрмай, Эшпўлат ота рўбарў келди.

— Ҳа, қаёққа, югуриб кетяпсан?! Салом йўқ, алик йўқ. Хотининг кетиб, эс-хушингдан айрилдингми? — деди у.

У бир нима деб гудранди, аммо йўлида давом этаверди.

— Ҳой, менга қара! Шу алфозда бориб хотинимни олиб келаман, деб хомтама бўлма! Ёнингга маҳалланинг бирикки обрўли кексаларини ол!

Аҳрор нима деяпсиз дегандек унга ўғирлиди.

— Қайнотанг сен билан гаплашмайди. Орага одам қўй!

— Қай... қайнота дедингизми?!

— Ҳа. Қайнотанг кеча «қачон одам бўлади, шунда гаплашаман, бўлмаса ажратаман», деган.

— Кеча қайнотам хотинимни олиб кетдимми?!

Эшпўлат ота унга ғалати боқаркан «ҳа» ишорасини қилди.

— Хайрият, хайрият! Худо бир балодан асрабди мени...

Чол хотини кетганидан хурсанд бўлаётган одамни биринчи марта кўраётгани.

— Ёпирай, жинни-пинни бўлмаганми, бу.

У ўзига ўзига гапиргандай уйи томон юрди. Аҳрор эса қўйнидаги пичоқни маҳкам ушлаганча кўча ўртасида анча туриб қолди...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

МИНГ БИР
ХОЛАТ

Тунда Богот тумани «Месит» маҳалласида яшовчи Неъматжон Бекчановга тегишли хусусий дўконнинг деворини кимдир тешиб, 300000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўмариб кетди. Дарҳол тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, жиноятни «иссиғида» очишга ҳаракат қилинди. Натижа ёмон бўлмади. Гувоҳлар кўргазмаси, воқеа жойидан олинган бармоқ излари, тахмин ва гумонларга таянган ҳолда ички ишлар бўлимига урганчилик Н. Ойбек олиб келинди.

ОЙБЕК ЛАФЗИДА ТУРАРМИКАН?

— Мен уч марта ўғирлик, бир марта героин сотганим учун қамалганман, — деди у қилмишини бўйнига олиб. — Биринчи марта жиноятга қўл урганамда ҳали 15 ёшга тўлмаган эдим. Ўзимнинг ялқовлигим, ўқишга қизиқишим йўқлиги келажакимни барбод қилди. Қамалиб чиқиб ҳам олатимни ташламадим. Кўпроқ пул топиш илинжида қорадори сотиб кўрдим. Аммо ҳеч бир ишни ички ишлар ходимларидан яшириб бўлмас экан. Сирим очилиб, яна қамалдим. Амнистия туфайли ҳар сафар озодликка чиққанамда энди тўғри йўл тутаман, ўғирлик қилмайман, деб ўзимга сўз берардимиз озгина қийналсам ёки ёнимда пулим қолмаса яна ўғирликка қўл урардим. Ўша куни ҳам Урганч деҳқон бозорига харажат учун тушганларнинг ҳамёнини ўғирлаш мақсадида кунни ўтказдим. Бироқ омадим юришмади. Шундан кейин «Урганч-Богот» йўналишида кетаётган йўловчиларнинг ҳамёнини ўмариш учун автобулга чиқдим. Яна ишим юришмади. Бу орада қоронғу тушиб, деҳқонлар, дўкончилар нарсаларини йиғиштириб, уйларига кетишди. Бекатда бир

ўзим қолдим ва шу ердаги ўриндикда ётиб ухладим. Уйқудан уйғонганимда соат эрталабки 4 бўлган экан. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилдим-да, ерда ётган темир бўлагини олиб, бекатдаги дўконнинг орқа томонидан тешиб, ичкари кирдим. У ердан халталарга шаккар, қанд, конфет, турли хил консервалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини жойлаб, ташқарига чиқдим. Йўловчи машинада Урганчга қайтганимда қўлга тушдим. Қилган ишимдан пушаймонман.

Йигирма олти ёшида бешинчи маротаба қамалётган Ойбек лафзида турармикан? Вақт ўтади, у мазкур жинояти учун жазо олиб, қамокдан қайтади. Шунда унга инсоф бериб, қолган умри давомида пешонасидаги қора доғни кетказишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилса ажаб эмас. Ойбек уйланиб, оиласи ва фарзандлари даврасида бахтиёр яшаб кетиши мумкин. Ҳаммаси унинг ўзига ва иродасига боғлиқ.

Бекмурод УСМОНОВ,
катта сержант.

Ўзбек кино санъатининг таниқли намояндаларидан бири, юзга яқин фильмларда турли образлар яратиб, мухлислар қалбидан чуқур жой олган санъаткор, моҳир актёр ва режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов саҳифамизнинг бугунги меҳмони.

— Мурод ака, суҳбатни кино санъатидан бошласак. Республикада ҳар йили кўп фильмлар яратилапти. Бироқ мухлисларга манзур бўлиб, қайта-қайта кўришга арзийдиганлари бармоқ билан санарли даражада. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Тўғри, ишланаётган фильмлар орасида катта шов-шув билан реклама қилиниб, экранга чиққандан кейин мухлислар эътиборидан тезда қолаётганлари бор. Бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, ўша фильмнинг «пойдевори» мустақкам бўлмайди, яъни сценарийси пишиқ эмас. Иккинчидан, режиссура бўш. Учунчидан, роль маҳорат билан ижро этилмайди. Кино ишлаш жараёнида ана шу учта асосий восита талаб даражасида бўлмас экан, фильм халқ тили билан айтганда, бир кўришли бўлиб қолаверади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан бўш, ижрочилар маҳорати ўрта-миёна ва ундан ҳам паст фильмлар хусусий студияларда кўпроқ ишлаб чиқарилапти. Мазкур студияларда ўткир сюжетли, пишиқ-пухта сценарий тайёрлаб берадиган ижодкорлар, тажрибали режиссёрлар, маҳоратли актёрлар етишмайди. Албатта, вақти келиб бу студиялар ҳам ривож топиб, ҳар томонлама мукамал фильмлар ишлаб чиқарилади, деб умид қиламиз. Шунинг учун уларни танқид қилавермасдан, ёрдам бериш керак. Ўзбек кино санъатининг машҳур режиссёрлари Шухрат Аббосов, Мэлс Абзалов, кинотанқидчилар Ҳамидулла Акбаров, Жўра Тешабоев ва бошқалар иштирокида тез-тез семинарлар, учрашувлар уюштирилиб, зарур маслаҳатлар олинса, фойдаси катта бўлади. Хусусий киностудияларга келсак, улар ҳам санъатимиз юзи. Бўлмайди, деб четта суриб қўйиш ярамайди. Ижод майдонида бой тажриба тўплаган кино ижодкорлар ўз ёрдамларини аямай, қўллаб туришлари керак.

— Айрим кўшиқчиларнинг фильмларда роль ижро этишаётгани томошабинларда ҳар хил фикрлар уйғотмоқда...

— Бу гапга ҳам қўшилмай иложимиз йўқ. Кўшиқ айтиб таниқли бўлиш осон бўлиб қолди. Хонанда уч-тўртта клипга тушиб, бир марта концерт берса, ўзини юлдузлар қаторида санай-

ди. Кинода эса бундай эмас. Бу масалага бир томонлама ёндашмай, тўғри фикр юритиш керак. Фильмга кўшиқчини жалб этишдан мақсад томошабинларнинг кўшиқчига бўлган қизиқишидан фойдаланиш, деб биланман. Яна бир томони, кўшиқчи фильмни ишлаб чиқаришга моддий жиҳатдан кўмак бериши мумкин. Айрим хусусий киностудиялар ана шу йўлни маъқул кўришаётгани маълум бўлиб қоляпти. Бироқ томошабинлар ролларни қойил қилиб, маромига етказиб ижро этадиган ак-

тёрлар ижросини кўришни хоҳлашади. Уларни алдаб бўлмайди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган ибора бор. Кинода роль ижро этиш саҳнага чиқиб кўшиқ айтишга қараганда анча мураккаб. Бу борада ширали овоз ёки чиройли қоматнинг ўзи кифоя қилмайди. Эллик-олтмиш йил илгари ишлаб чиқарилган, ҳамон саҳнадан тушмай келаётган фильмларни қаранг, машҳур санъаткорларимиз ижро

ли, ролларга жон-дили билан киришадиганларини тарбиялашимиз керак.

— Сизни кўп образларда кўрганмиз, ҳар хил тоифадаги кишиларни талқин этгансиз. Инсондаги қайси фазилатни қадрлайсиз, қай бирини ёқтирмайсиз?

— Ёш ўтган сари ҳаётни чуқурроқ билаверар экан киши. Турфа одамлар билан учрашасиз, мулоқотда бўласиз. Уларни ўрганиб, хулоса чиқарасиз. Ҳаётда оқил одамлар билан доим бирга бўлгим келади. Улардан ибрат олиш мумкин. Инсон кечиримли бўлиши керак, деган хулосага келганман. Бирор киши оғирроқ гап қилса, юракда кин ушлаш керак эмас. Меҳр-оқибатли кишиларни қадрлайман. Кўнгли очиқлик инсонни улуғлайди, деб бежиз айтишмайди. Худбинликни энг ёмон иллат деб ҳисоблайман. Мана шундай табиатли кишилардан яхшилик



«ҲАР БИР РОЛЬ КАТТА АСАРГА ЎХШАЙДИ»

тёрлар ижросини кўришни хоҳлашади. Уларни алдаб бўлмайди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган ибора бор. Кинода роль ижро этиш саҳнага чиқиб кўшиқ айтишга қараганда анча мураккаб. Бу борада ширали овоз ёки чиройли қоматнинг ўзи кифоя қилмайди. Эллик-олтмиш йил илгари ишлаб чиқарилган, ҳамон саҳнадан тушмай келаётган фильмларни қаранг, машҳур санъаткорларимиз ижро

кутиб бўлмайди. Ҳаётда бундайларга кўп дуч келганман. Улар ўз манфаати учун ҳатто ота-онаси, бола-чақаси, Ватани, халқини ҳам сотиб юбориши мумкин. Менга ёмонлик қилганларга ҳам ана шу хислатни раво кўрмайман.

— Фарзандларингиздан бирортаси киноактёр бўлишни истамадими?

— Бир сўз билан йўқ дейишим мумкин. Ўзида қизиқиш

жараёнида уларнинг хизмат ма-шаққатини сезганмисиз?

— Фильмларда ички ишлар хизматининг лейтенантдан полковниккача бўлган унвондаги, турли лавозимлардаги ходимларнинг образини яратганман. Асосан, жиноят қидирув хизматининг тезкор вакили, бошлиғи ролларини ижро этишимга тўғри келган. Кинодаки шундай қийин бўляпти, ҳаётда йигитларга осон эмас экан, деган фикр жуда кўп

ланган. Ички ишлар учун мутахассис офицерлар тайёрлайдиган бу олий ўқув юртидаги ҳаётга чуқурроқ назар ташлаган киши, ички ишлар хизмати ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлади.

— «Анора» деб номланган янги фильм устида иш олиб бораётган экансиз...

— Тўғри, бу фильмни суратга олиш ишларини ниҳоясига етказаяпти. Унинг сценарийсини Шухрат Қосимов билан бирга ёздик. Ўзим режиссёрлик қилаяпман. Образларни Обид Юнусов, Пўлат Саидқосимов, Рихси Иброҳимова, Клара Жалилова каби таниқли санъаткорлар яратишяпти. Ҳаётга энди кириб келаётган ёшлар олдида турган жиддий муаммоларга бағишланган бу фильмда ички ишлар идораси фаолиятига оид лавҳа ҳам ўрин олган. Ушбу лавҳани пойтахтнинг Чилонзор тумани ИИБ биносида суратга олдик. Ички ишлар ходими эгри йўлга қираётган қизга насиҳат қилиб, миллатимизга иснод келтирувчи ноҳўя ишдан қайтаради ва тўғри йўлга солиб юборади. Келгусида режаларимиз кўп. Аллоҳ юртимиздаги тинчлик, осойишталикни бардавом қилиб, тани сиҳатлик ато этса, мухлислар хизматида бўлаверамиз.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
ёзиб олди.

Бир танишимнинг машинасида кетаётгандим. У йўл қоидасини бузди. Чорраҳада турган йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими уни тўхтатиб, жарима солди. Йўл-йўлакай танишим ИПХ ходимини ёмонлай бошлади. Мен кулдим.

— Мен жарима тўласам, сен кулгин, — деди у янада қизишиб.

— Қоидани бузганингдан кейин инспектор жарима солади-да. Ёки сенга раҳмат айтиб, бошингни силаб, елканга қоқиб қўйсинми? — дедим унга.

Ҳаётда баъзан шунга ўхшаш воқеаларга дуч келиб тураман. Ҳайдовчи қоидага риоя этиб юрса, уни ҳеч ким тўхтатмайди, албатта. Ички ишлар ходимлари ҳақида турли хил салбий фикрлар айтадиганларнинг аксарияти қонунибузар, қоидабузар, ҳуқуқбузарлар, деб ўйлайман.

этган ролларининг ўзи бир катта асарга ўхшайди.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш мумкин. Ҳозир бизда иқтидорли актёрлар етишмайди. Ёшлар орасида ўсиб, тажрибаси ошиб келаётганлари бор, аммо улар камчиликни ташкил этади. Актёрлар сонини кўпайтириш мумкин, бироқ иқтидор-

бўлмагандан кейин зўрлаб, киноактёр бўлгин дейиш нотўғри. Бир ривоятда ўқигандим, кулолга шогирд тушган йигит кўза ясашни ўрганиб олади. Лекин кўзалари устозиники каби жилвали, жозибали чиқмайди. Сабабини сўраганда кулол шогирдига қараб, сен касбни эгалладинг, лекин меҳрингни, қалбингни бермаяпсан, дейди. Айтмоқчиманки, ҳар бир касбга меҳр бериб, жон куйдириш керак. Ана шунда инсон ҳақиқий касб фидойиси бўлади. Фарзандларимнинг ўрта-миёна актёр бўлиб, томошабинларга ёқиб-ёқмай юргандан ўзи севган касбни эгаллаб, жамиятга фойдаси теккани маъқул, албатта.

— Сиз ички ишлар ходимлари родини кўп ўйнагансиз. Ижро

жаелимдан ўтган. Айниқса, қуролланган, ашаддий жиноятчининг изидан қувиб, қўлга олиш, ҳаётини хавф остига қўйишга ҳар ким ҳам журъат этавермайди. Кўпчилик айнан ички ишлар ходими сифатидаги ролларимни мақташади. Орзуим бирорта генерал ролида чиқиш.

Ҳаётда ички ишлар ходимлари билан учрашишга тўғри келган, албатта. Уларнинг аксарияти санъатни яхши кўришади, санъаткорларни ҳурмат қилишади. Ўзим санъатга қизиққан инсонларни яхши кўраман.

Менинг режиссёр сифатидаги биринчи фильмим «Академия» деб аталади. У республика ИИБ Академияси фаолиятига бағиш-



Азиз муштариёлар!
Газетамизнинг ушбу саҳифасида яна қайси таниқли инсонлар билан суҳбат уюштиришимизни истар эдингиз. Мақтуб ва қўнғи-роқларингизни кутамиз.

Жадидчилик ҳаракатининг дарғаси, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январиди Самарқандда руҳоний оиласида туғилди.

Тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида хат-савод чиқаради. Эски мактаб-мадрасада ўқийди. Араб тилини ўрганади. Қозихоналарда мирзалик, қозилик вазифаларида ишлайди. 1893–1900 йилларда Мақкага ҳаж сафарига боради.

1903–1904 йилларда Москва, Петербург, кейинроқ Қозон, Уфа шаҳарларига боради. 1914 йилда Арабистон, Миср, Туркия каби бир қатор мамлакатларда бўлади.

Ўз даврининг йирик исломшуносларидан бири, муфтилик рутбасига эришган зот эди. Беҳбудий шу билан бирга ҳамшира билдиратга қарши кураш олиб бор-

МАҲМУДУХЎЖА БЕҲБУДИЙ (1875–1919)

ди ва ўз асарларида динни тўғри тушунишга ва тарғиб этишга даъват этди.

Вақтли матбуот саҳифаларида замонасининг долзарб мавзуларига бағишланган ижтимоий-сиёсий, тарихий-адабий мақолалари билан фаол иштирок этади. Унинг 10-йиллар Туркистон матбу-

отида 300 дан ортиқ мақолалари эълон қилингани маълум. Ушбу мақолаларнинг марказида мактаб, маориф, маданият, маърифат-

Беҳбудий янги усулдаги мактабларнинг илк тарғиботчи ва асосчиларидан бири, шунингдек, ана шу мактаблар учун дарсликлар

парварлик ғояларининг тарғиботи туради.

1913 йилда у Самарқандда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналинини ташкил этади. Ҳар иккала нашрнинг асосини маърифат-маданият, миллат ва озодлик ғоялари ташкил қилади. У 1911 йили «Падаркуш» драматини яратди.

ҳам яратган йирик маърифатпарвардир.

Беҳбудий 1917 йилги февраль ва октябрь воқеаларидан кейин Туркистоннинг мустақил, озод бўлиши учун тинмай курашди ва шу йилда ўз жонини фидо қилди. У Туркистоннинг миллий давлат қурилиши масаласини

ўртага ташлади. Ўз халқи тарғиботини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий мақомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлга киритишида деб билди. Унинг «Ҳақ олинур, берилмас!» деган сўзлари жадидларнинг шиорига айланди. У Туркистон Мухториятини олқишлади. Унинг ҳукуматида аъзо сифатида сайланди. Туркистон Мухторияти қонга ботирилгандан сўнг у сиёсатдан бош тортди ва Самарқандда маориф бўлими мудири бўлиб ишлади. Лекин мустақиллик умидларидан воз кечмади.

Советлар ҳукуматининг қирғинлари, адолатсизликлари авжига чиққанда, бу ҳолни жаҳонга маълум қилиш учун йўлга отланган Беҳбудий Бухоро амири томонидан ҳибсга олиниб, 1919 йилнинг баҳорида Қарши шаҳрида қатл этилади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КҮЙ.
Ушбу ҳафтада анчадан бери кутаётганингиз – хизмат пиллапоясидан юқорилашингиз мумкин. Ҳис-туйғуларингизга ортиқча эрк берманг. Интизомли ва ваъдага вафо қилиб яшашни маслаҳат берамиз.

СИГИР.
Душанба кuni юзага келган баҳсли масалани келгуси ҳафта ҳал этганингиз маъқул. Сешанба кuni ўзингизга бўлган ишонч ортади. Ҳамкасбларингизнинг маслаҳатига кулоқ солинг.

ЭГИЗАКЛАР.
Ҳафтанинг дастлабки кунлари ижод учун қулайдир. Дам олиш кунлари ҳаётингизда учраган муаммоларни бартараф этасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА.
Бажарилиши лозим бўлган вазифаларни режалаштириб олишингиз зарур. Босиқ ва камтарлигингиз катта ҳурмат-эътибор келтиради.

АРСЛОН.
Ушбу ҳафтада ортингизга бир назар ташлаб, янги режаларни белгилаб оласиз. Қўлингизга киритилган маълумотлар ошкор бўлишидан эҳтиёт бўлинг.

БОШОҚ.
Душанба кuni дўстлар билан дийдорлашув бир олам завқ келтиради. Чоршанба кuni белгиланган режалар бир неча марта ўзгариши мумкин. Жума – фалсафий асарлар мутолаа қилиб, фикрлаш учун қулай кундир.

ТАРОЗИ.
Чоршанба ёки пайшанба кuni сизга нотўғри маълумот беришлари мумкин. Ўзингизга яқин бўлган кишилар билан низолашиб қолишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиқлик билан иш тутинг.

ЧАЁН.
Ушбу давр сиз учун омадли кечади. Чоршанба кuni ишга ҳаддан ташқари берилмаслигингиз зарур. Жума кuni ҳамкасбларингиз билан мулоқотда кераксиз сўзларни гапириб юборишдан эҳтиёт бўлинг.

ЁЙ.
Бажараётган ишингиз бўйича кўп янгилликлардан хабар топасиз. Ҳаётингизда ўзгаришлар қилмаганингиз маъқул. Қариндошларингизга нисбатан меҳр-муруватли бўлишни маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Ушбу ҳафтада танишлар орттириш ва мавқеи юқори бўлган одамлар билан муносабатларни яхшилашга кўпроқ вақт ажратишингизга тўғри келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яқинларингиз ёрдамингизга муҳтож бўлиши мумкин. Меҳрингизни дариг тутманг.

ҚОВҒА.
Чоршанба кuni миянгни янги ғоялар чулғаб олади. Ишончли маълумотларни қўлга киритасиз. Якшанба кuni ота-онангизни бориб кўрсангиз бошлари осмонга етади.

БАЛИҚ.
Ҳафтанинг биринчи ярмида ижод билан банд бўласиз. Чоршанба кuni раҳбарларга эътироз билдирмаганингиз маъқул. Акс ҳолда низоли вазият юзага келиши мумкин. Шанба кuni дўстларингиз йўқлаши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси тергов фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат этиш ва ахборот таҳлил таъминоти бошқармаси бошлиғи, полковник **Ўрал Лафасович МУҲАММАДИЕВ**ни 50 ёшга тўлгани билан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ёр бўлишини, яна кўп йиллар фарзандлари, ҳамкасблари, шогирдлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш Марказига **йўриқчи-кинолог, ветеринар-фельдшер, лаборант лавозимлари**га 18 ёшдан 30 ёшгача, **ветеринар-шифокор, ҳуқуқшунос, энергетик-муҳандис** лавозимлари, шунингдек Кимё-технология институтини тамомлаган 23 ёшдан 35 ёшгача бўлган, бўйи 175 см дан кам бўлмаган, Куролли Кучлар сафида хизматни ўтаб келган, соғлом, ақлан етук, ички ишлар идораларида хизмат қилиш

учун зарур бўлган мутахассисликдаги маълумотга эга, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Тошкент, Қибрай, Зангиота, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган фуқаролар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Катта халқа кўчаси, 18-уй.

(Мўлжал: Ўрикзор бозорининг эски сомон бозори)

Мурожаат учун телефон: 397-57-17.

ШАҲСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2006 йил 25 сентябрь кuni кечқурун соат 23.30 ларда ҳайдовчи Файрат Мусаев «Нексия» русумли 30 D 4997 давлат рақамли автомашинасини Нукус кўчаси бўйлаб бошқариб бораётган, «СИ» ресторани қаршида, Осиё миллатига мансуб, 25-30 ёшлар чамасидаги эркак кишини уриб юборган. Натижада пиёда оғир тан жароҳати олиб, воқеа жойида вафот этган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочлари калта, оқ оралаган.

Кийимлари: эгнида кўк жемфер, кулранг жинси шим, оёғида жигарранг ботинка, қора жун пайпоқ бўлган.


2006 йил 13 октябрь кuni кеч соат 18.30 ларда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Жарқўрғон кўчасида рўй берган автоҳалокат натижасида Европа миллатига мансуб тахминан 60-65 ёшлардаги аёл ҳалок бўлган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи сарғиш, оқ оралаган.

Кийимлари: эгнида кулранг гулли халат, тўқ кулранг фартук таққан, тўқилган пайпоқ кийган.

Шахси номаълум кишиларни тапиган, билганлардан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасига 55-88-85, 55-73-08 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

СТЕРЕО-ТАСВИР



Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас. Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чаплана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шуанда кичик «муъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шакли гўзал бир манзарада кўрасиз.

Аввалга сонда берилган стерео-тасвирнинг кўриниши

САЛОМАТЛИК

ҲАМШИРАЛАР БАҲСИ

Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан Хоразм вилояти ИИБ тиббиёт бўлимининг мажлислар залида «Балли қизлар» мусобақаси ўтказилди. Бўлимнинг ҳамшира қизлари табобат соҳасига оид билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, дунё халқларини жиддий ташвишга солаётган гиёҳвандлик, ОИТС касаллигининг аянчли оқибатлари ва улардан огоҳ бўлиш билан боғлиқ саҳна кўринишлари қизлар томонидан маромига етказилиб ижро этилгани ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Беллашувда Юлдуз Сапаева биринчи, Жамила Машарипова иккинчи, Нодира Матжоновна эса учинчи ўринларга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Лобар Курбонова ҳамда Дилрабо Ражабоваларнинг мусобақада фаол иштирок этишгани эътироф этилди.
— Қизлар бу мусобақада мутахассисликни мукамал эгалла-

ганликларини намойиш этишди, — дейди вилоят ИИБ касаба уюшмалари қўмитаси раиси Раъно Курбонова. — Қолаверса, бундай тадбирлар хизмат ходимларининг ўз касбий маҳоратларини ошириб боришларида муҳим ўрин тутди.
Беллашув ниҳоятда қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда ўтди.

Б. УСМОНОВ.



Суратда: «Балли қизлар» мусобақасидан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

Кўпчилик муштарийларнинг илтимосига кўра «Саломатлик»нинг бугунги саҳифасида кўз хасталикларидан халқ табобатида қўлланиладиган усуллардан хабардор қилишни лозим топдик.

Оқ пиёзнинг сувини чиқариб кўзга суртилса, шилпиклик, шакбўрлик (қоронғу тушганда

қизиллигини йўқотади.

Мойчечак (ромашка) гулидан сув олиб кўзга томизсангиз, оғриғи қолади.

Лола сувидан кўзга томизилса, оғриғи ва ярасини тузатади.

Оқ эчкининг буйрағи-

қўшиб уч маротаба кўзга томизилса, оқи кетади.

Пати энди чиқаётган кабутар боласи қонини кўзга суртсангиз, шакбўрликдан қутуласиз.

Хантал (горчитса)нинг ҳўл уругини ҳавончада янчиб, сувини сиқиб олиб қуритилса, сўнг сурма каби суртилса, кўзнинг барча дардларига шифо бўлади.

Анжир кўкариб турган пайтда шохи синди-

КЎЗИНГИЗ РАВШАН БЎЛСИН!

кўролмастик)да фойда беради.

Кўзда бирор дард пайдо бўлса, кийик ўтини туйиб суркаш фойдали.

Кўздан сув оқиб қийналаётган одам эрталаб ва кечқурун кўзига сурма қўйса, бу дарддан халос бўлади.

Қуён ўти қуритиб туйилиб, суртилса оқ тушган кўзга даводир.

Ловияни ҳавончада янчиб, сурма каби кўзга суртсангиз, киприкнинг ичига ўсишини йўқотади.

Ловияни асал билан аралаштириб кўзга боғланса, кўз милкларининг қизаришини ва шишини йўқотади.

Сунбулни қайнатиб, суви билан кўз ювилса,

ни кабоб қилиб, кабобдан оққан қатра сели кўзга томизилса, иллатини қувади, мусаффо ва нурли қилади, қоронғулигини ва шакбўрликни кетказди.

Кўз шиллик пардасининг яллиғланишида тозаланган қизил маймунжон баргини қўйилиши дардни енгиллаштиради.

Юмшоқ, хом зира сувидан бир неча маротаба кўзга суртилса, оқи тузалади.

Ҳар ким саҳарда беш дона шолғом пишириб еса, кўзи равшан бўлади.

Лола суви билан асални аралаштириб суртсангиз, кўздаги оқ тузалади.

Оқ пиёзни эзиб эмизикли аёл сути билан

рилса ё баргию л и н с а , шира чиқади.

Ўша ширадан кўзга суртилса ё томизилса, кўзни қорайтириб турган пардани йўқотади.

Алоэдан истеъмол қилиб юрилса, кўз нури кўпайтиради.

Кўз яллиғланганда ёстиқни баланд қилиш, кескин ҳаракатлар қилмаслик, бошни паства энгаштирмаслик, оқлик ва нурга қарамаслик, меъдани овқат билан тўлдирмаслик фойда беради.

Кўз мижжаси шишганда семизўт баргини тухум оқига қўшиб кўзга чапланса, дардан фориг бўлинади.

Кўз бурчаги шишса (яъни, «ғарб» чиқса), мош янчиб қўйилса, даво бўлади.

ВОЛЕЙБОЛ

ГЕНЕРАЛНИ ЁД ЭТИБ

12-14 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг биринчи Ички ишлар вазири, генерал-майор Йўлдош Бобожонов таваллуд топганлигининг 100 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар ИИББ жанговар тайёргарлик марказида волейбол бўйича хотира турнири ўтказилди. Тадбирни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров очди.

— Мусобақадан кўзланган мақсад, — деди у, — авваламбор мана шундай ажойиб инсонни ёдга олиш бўлса, иккинчидан Й. Бобожоновдек устозларнинг сермазмун умри тимсолида шахсий таркибни Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллигимизга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Мусобақаларда саккиз жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

14 ноябрь кунги беллашувда 3-ўрин учун ИИБ Академияси ҳамда ИИБ ҳузуридаги республика Кўриқлаш бирлашмаси жамоалари беллашишди. Учрашувда 2:0 ҳисобида ИИБ Академияси голиб чиқиб, учинчи ўрин соҳиби бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ГЕНЕРАЛ ЙЎЛДОШ БОБОЖОНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН СПОРТ АНЖУМАНИ

Мутлақ голиблик учун ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти ва ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси жамоалари майдонга тушишди. Мурсасиз кечган беллашувда ИИБ ЖИЭББ жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Голиблар ва совриндорларни тақдирлаш маросимида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ш. Икромов сўзга чиқди.

ИИБ ЖИЭББ жамоасига I даражали, ИИБ ТОХТБЮ вакилларида II даражали, ИИБ Академияси жамоасига эса III да-

ражали диплом берилди. Ҳар учала жамоага кубоклар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хотира турнирининг «Энг яхши ҳужумчи» номинациясига ИИБ ТОХТБЮ ўқитувчиси, капитан Қ. Норбоев лойиқ деб топилди. «Энг яхши тўп узатувчи» шарафига ИИБ ЖИЭББ ходими, катта лейтенант Т. Макагонов сазовор бўлди.

— Мен бугун ниҳоятда бахтлиман, — деди марҳум Й. Бобожоновнинг қизи Светлана Йўлдошева. — Чунки падари бузрукворимни хотирлаб, хизмат тажрибаларини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатганликлари учун республика ИИБ раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдираман.

Абу КЕНЖАЕВ.

Суратларда: хотира турнирдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.



Голибликни қўлга киритган ИИБ ЖИЭББ жамоаси.

ФУТБОЛ

Кўп йиллар давомида республикадаги ҳуқуқ-тартибот идораларига раҳбарлик қилган генерал-майор Мурод Шералиев таваллуд топганига 90 йил тўлди. Шу муносабат билан ашаддий футбол мухлиси М. Шералиевнинг ҳамқашлоғи Маҳамат Тўлаганов ажойиб ташаббус бошлади. У атрофига ўзи каби спортга ишқибоз кишилар ҳамда ҳомийларни жамлаб, генерал хотирасига бағишлаб футбол турнири ўтказди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

— Мақсадимиз мамлакатимизнинг ички ишлар хизмати, прокуратура ва адлия соҳасида ўчмас из қолдирган ҳамқашлоғимизнинг хизматларини яна бир қарра эътироф этиб, у кишининг порлоқ хотирасини ёдга олиш, шу баҳонада футболнинг оммавийлигини тарғиб қилиш, қишлоқда спортнинг бу турини ривожлантиришга ҳисса қўшиш, янги-янги истеъодларни кашф этиш эди, — дейди турнир ташкилотчиси М. Тўлаганов. — Менимча, бу ниятимизга бир қадар эришдик. Турнирда қишлоғимизнинг «Дўрмон», «Пастикюз», «Юқориюз», «Аргин», «Жалойир» ва «Ешлик» маҳаллаларида ташкил этилган футбол жамоалари қатнашиш истагини билдирган эди.

Дастлабки футбол беллашувлари 29 октябрь кунини бўлиб ўтди. Ана шу учрашувларда энг кўп очко тўплаган «Дўрмон» ва «Жалойир» жамоалари финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Ўтган ҳафтада 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҳаваскор футболчиларни қамраб олган, мазкур турнирнинг ҳал қилувчи босқичи бўлиб ўтди. «Дўрмон» жамоасида ҳам мураббийлик, ҳам тўп сураётган 56 ёшлик Ҳабибулло Ортиқовнинг гайрат-шижоатига кўпчилик тан берди. Шунингдек, Абдугани Абдуғафоров, Шуҳрат Бўроновлар қирқ-эликни қоралаб қолган бўлсалар-да, тўп суришда ёшлардан асло қолишмадилар. Шу кунини «Жалойир» жамоаси футболчилари ҳам ёмон ўйин кўрсатишмади. Кескин ва мурсасиз вазиятларга бой бўлган беллашувларда «Дўрмон» жамоаси рақибини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шундан сўнг голибларга турнир совғалари тантанали равишда топширилди ҳамда генерал-майор Мурод Шералиев хотираси ёдга олинди.

Иброҳим САИДОВ.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ЖК ва ТҚҚБ бўлим бошлиғи, подполковник Р. Абдуллаевага отаси **ХОЛИҚ БОБОНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирдилар.



Устозлар хизмати улкан китобдир,
Ҳар иши, ҳар сўзи ўтли хитобдир.
Мозийдан сўз очмак хайрли, дерлар,
Ўтгани ёд этмоқ ажру савобдир.

ЦИКЛОКРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида:

1. Ватанимиздаги сиёсий партиялардан бири.
2. Кучли, қудратли сўзларнинг маънодоши.
3. Автомобилнинг яна бир номи.
4. Дарахтнинг илк ҳосили.
5. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси.
6. Сурия давлати пойтахти.
7. Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари қаҳрамони.
8. Шохмот ўйини бошида тезроқ ҳужумга ўтиш мақсадида донани қурбон қилиш.
9. Миллий тақинчок, зеб-зийнат буюми.
10. Соҳилларида Европа қитъасидаги порт шаҳарлар жойлашган денгиз.
11. Инсоний фазилат, меҳр.
12. Никотинли экин.
13. Нарсанинг бутунлай, тўлиқ тортилган ҳолати.
14. Подшоҳлик аёли.
15. Маълум бир уруғ аجدодларнинг келиб чиқиши, ўзаро қариндошлик муносабатлари қайд этилган рўйхат.
16. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоири.
17. Дунёдаги энг чуқур кўл.
18. Билим маскани.
19. Муассасанинг молиявий кириш кўрсаткичи билан чиқими ўртасидаги якуний қиёслаш кўрсаткичи.
20. Қонун-қоидага хилоф иш учун тўланадиган маблағ.
21. Кўркем гул тури.
22. Олиб борилган фаолиятдан олинган фойда.
23. Қадимги Юнон олими Аристотелнинг шарқона номи.
24. Бокс спортидаги ҳолат.
25. Хайдалган ерни текислашда ишлатиладиган қишлоқ ҳўжалиги қуроли.
26. Қовун навларидан бири.

Ф. ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгироқ қилинг!




Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса куйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача



Газетамиз саҳифаларида
реклама ёки эълон беришни
истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат
учун телефонлар:

139-73-88
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@inbox.uz



ҲАДИСИ ШАРИФДАН

Беморни кўргани борганда унинг пешонасига қўлиб қўйиб ҳол-аҳвол сўраш баркамол зиёрат ҳисобланади. Қўл бериб кўришиб саломлашиш муқаммал бўлади.

Кишининг бемаъни гаплардан тилини тийиши — унинг мўминлиги нақадар чиройли эканлигидан дарақ беради.

Бошга тушган мусибатларни, ўзидаги касалликларни ва қилган хайру эҳсонини яшириш — яхшилик хазиналаридандир.

Кимки мўминларга уларнинг йўлларига азият тугдирса, унга уларнинг лаънати ёғилур.

Кимки бирор мўминга озор берса, гўё у Менга озор берган бўлади. Менга озор берган Тангрига озор берган бўлади.

Кимки уламолар олдида фахрланиш, ногонлар билан баҳслашиш ёки одамларнинг диққатини ўзига тортиш мақсадида илм ўрганса, унинг жойи жаҳаннамдир.

Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шуқур қилувчи, бировларнинг қилмишини кечирувчи, ўзи бировга зулм етказса, тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилуру.

БУ, ҚИЗИҚ!

ШОМОНЛИК ВА ШИМОЛ ХАЛҚЛАРИ

Ямал, ёқут, ненец, хант, манси, хакас, эвенк, долган, чукча ва коряклар яшайдиган қадимий ерлар ўн минглаб километрларгача ёйилган. Бу замин ўрмонлар, турли мавжудотлар ва фойдали қазилмаларга бой. Юз йиллар давомида улар билан Ҳитой, Россия, Турк ҳоконлиги, Олтин Урда, Оқ Урда ва Кўк Урда каби буюк империялар, давлатлар ёнма-ён яшаб, ҳукмронлик қилиб келишган. Бутун дунёда маданият, илм-фан, ишлаб чиқариш ривожланаётган, заводлар, олий ўқув юрглари, темирйўл, кемалар қурилатган бир пайтда бу ерлар яшаш тарзи, ташқи қиёфаси билан ҳам ибтидоийлигини сақлаб қолаверди.

Уларнинг қолоқлиги яқингача ноқулай иқлим шароитлари билан изоҳланиб келинади. Бироқ бу ўта асоссиз, ўзини оқламайдиган далил. Негаки, ўз давлатларини 50 градус иссиқ бўлган қумликлар (Африка, Яқин Шарқ, Урта Осиё), тез-тез ер силкинишлари, бўронларга учраб турадиган ороларда (Япония), етиб бўлмас қоялар ичра (Кавказ ўлкалари, Тибет), қуёш тигида жизиллаган саҳроларда қуриб яшаб келаётган эл-

златлар тарихи билан таққосласак, бу фикрнинг мантиқан нотўғри эканлиги маълум бўлади. Демак, сабаби бошқа жойда. Эҳтимол ўша бошқа нарса шимол халқларини бирлаштириб турувчи эътиқод — шомонликдир.

Шомонлик ўзагини одамлар ва руҳлар ўртасида воситачи бўлган шомон-йўлбошчи ташкил этади. Шомон танланаётганда руҳлар унинг жонини олиб, ўз хоҳишларига кўра қайта яратиб сўнг унга қайтаради. Бу баъзан очик, баъзан кўринмас тарзда содир бўлади. Шомон шафқатсиз маросимлардан ўтказилиб, қаттиқ синовларга дучор этилади. Кўп ҳолларда уларнинг баданлари қонгалаш, зарблардан кўкарган, шилинган бўлади. Энг кўрқинчлиси уларнинг ички ҳиссиётлари — руҳлар томонидан онги ва юрагида бўлиб ўтадиган ўзгаришлардир. Шомоннинг асосий вазифаси худди шу маросим жараёнида руҳлар билан мулоқот қилиши ҳисобланади. Бу шафқатсиз маросимда шомон чуқур жазавога тушиб, руҳияти батамом сўндирилади. Шомоннинг рақси унинг руҳлар дунёсига саёҳатини акс эттиради. Кўпгина халқларда бу рақс турли тарзда кечади. Яқингача шомонларнинг ғайритабиий ҳолатлари руҳий касаллик билан боғланарди. Аммо кейинчалик уларнинг соғлом эканликларига амин бўлинди. Шомонларни моҳир кўзбўямачи, актёр деганлар адашишади. Текширувлар уларнинг келажакни башорат қилиши, йўқолган нарсалар, одамлар, ҳайвонларни топиши, беморларни даволаши ва бошқа кўпгина ғайриоддий хислатларни намоян қила олишини тасдиқлайди. Бунинг аниқ ва моддийлиги эса ҳар кимни ҳайратга солади. Шомон одамларнинг руҳий кечинмалари, ўй-фикрини ҳам ўқий олади. Тўғри улар нима бўлган, нима бўлишини айтиб бера олар, бироқ инсон тақдирини ўзгартириши маҳол. Зеро, бу ёлғиз Парвардигорнинг измида.



N.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Баш муҳаррир
o'rinbosari
Улуг'бек МАМАДАЛИЙЕВ

Mas'ul kotib:
Erkin SATTOROV
Navbatchi:
Muhabbat Ibragimova

Sahifalovchi: Zokir Boltayev
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda
uchrashuncha xayrl



MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyat-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-3024. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 6 bosma taqob. 55297 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.